При всей современной форме обслуживания больных в системе нашего здравоохранения больные с инсультами, оставшиеся дома или на месте происшествия, фактически лишены постоянного врачебного наблюдения. В домашних условиях бороться с осложнениями инсульта практически невозможно. Больным надо обязательно возить в клинику. Значит, надо так организовать работу «Скорой помощи», чтобы она была способна оказывать на самом высоком уровне необходимую на первом этапе помощь, включая и раннюю госпитализацию.

За последние годы значительно возросла обращаемость населения в учреждения «Скорой помощи». Если в прежние годы главной задачей их являлась быстрая доставка больного или пострадавшего в стационар, то в настоящее время объем медицинской помощи, включая диагностику и лечение своими средствами, значительно расширился. Организованы специализированные подстанции и бригады, в составе которых имеются кардиологические, неврологические, противоопухолевые, психиатрические и другие.

В Ташкенте круглые сутки дежурят несколько инсультных бригад. Они есть и во многих других городах.

С каждым годом объем и качество медицинской помощи, оказываемой врачами «Скорой помощи», увеличиваются в соответствии с развитием медицинской науки.

Развитие медицинской науки позволило по-новому взглянуть на механизмы развития острого нарушения сердечного или мозгового кровообращения. На инфаркт и инсульт перестали смотреть как на заболевание, протекающее мгновенно, как быстрый, острый процесс. Научились ощущать быстроту и протяженность развития патологического процесса, различать этапы нарушения кровообращения в сердце и головном мозге, распознавать его виды, определять, какие из нарушений – первичные патологические процессы, а какие являются лишь реакцией на сосудистую катастрофу. Следовательно, врач может установить, какое из них устранимо, какое –

предельно опасно для жизни больного. Некоторые изменения даже при активном лечении могут оставаться навсегда. Врачи научились вмешиваться в процесс, устранять временные нарушения и уменьшать даже тяжелые нарушения и стойкие последствия.

Целесообразность активной тактики современного врача и ранней госпитализации больных обоснована рядом обстоятельств: развитием знаний о сосудистой патологии, богатым арсеналом лекарственных средств, успехами реанимации.

Различают также субарахноидальные подболобные кровоизлияния. Головной мозг покрывает твердая мозговая, мягкая и паутинная оболочки (по латыни паутинная оболочка – «арахноидеа», а «суб» – «под»). Кровь, излившаяся под паутинную оболочку, смешиваясь со спинномозговой жидкостью, растекается по поверхности мозга, что ведет к резкому повышению внутричерепного давления, возникновению психических расстройств, нестерпимых головных болей. Подпаутинные кровоизлияния являются следствием разрыва аневризм (аневризма – небольшое выпячивание истонченной стенки сосуда, образующееся на месте его неполного надрыва при травмах). Иногда аневризма является врожденной особенностью развития сосуда или перенесенного заболевания сосуда.

Субарахноидальные или подпаутинные кровоизлияния часто повторяются и, если не принять экстренных мер, больной может погибнуть. В последние годы в таких случаях производят операции. Нейрохирургические вмешательства при аневризмах бывают экстракраниальные (внечерепные), интракраниальные (внутричерепные) и эндоваскулярные (энтерососудистые).

Перевязка внутренней сонной артерии на шее – это экстракраниальная операция, приводящая к тромбированию аневризмы. Ее применяют при больших травматических аневризмах.

Внутричерепная операция осуществляется трепанацией черепа с последующим подходом к аневризме и выключением аневризма наложением специальных клипс или перевязыванием шейки.

И, наконец, энтерососудистые операции, заключающиеся в введении в полость аневризмы баллона-катетера с быстро твердеющей массой, выполняются без хирургического разреза.

Тромбозы сосудов головного мозга чаще являются следствием тяжелого атеросклероза. Сосуды постепенно уменьшаются в диаметре, разрушается их регуляция, особенно при хроническом употреблении алкоголя. Сосуд может перестать пропускать кровь также вследствие спазма. Большую роль в развитии спазма и тромбоза сосудов играет алкоголь. Употребление алкоголя нарушает функцию нервных центров, регулирующих состояние сосудов, вследствие чего центры выдают совершенно неадекватные команды, результатом чего являются спазмы и тромбозы сосудов.

Подчеркивая дикость алкогольных традиций и все безумие современного цивилизованного общества, культивирующего это

варварство, Д. Лондон писал: «Алкоголизм – это порождение варварства – мертвой хваткой держит человечество со времен седой и дикой старины и собирает с него чудовищную дань, пожирая молодость, подрывая силы, подавляя энергию, губя лучший цвет рода людского».

Попытки борьбы с употреблением алкоголя делались на протяжении многих десятилетий в разных странах и в различных формах. На территории нынешних республик Средней Азии любители выпить вешали на шею кувшин с вином, сажали на осла лицом к хвосту и возили по улицам: «Вот он, хотевший погубить всех нас!» – кричал глашатай, указывая на пьяницу. И если тот не бросал своего постыдного занятия, его изгоняли из селения, неуважительно отзываются уже не только о нем, но и о его близких и потомках. Не могло быть и речи, чтобы за такого выдать девушку замуж.

При ишемическом инсульте, если пережимается достаточно крупный сосуд, кровь перестает поступать в определенный участок мозга, и если не произойдет компенсации за счет других сосудов, этот участок мозга погибает. Тромбозы и эмболии также приводят к развитию необратимых изменений в веществе головного мозга.


Для современного этапа развития нейрохирургии характерен пересмотр сложившихся представлений о лечении ишемических инсультов. Большую роль в этом сыграла ангиография, позволяющая точно определить место и характер сужения или закупорки. Применение микроскопа при нейрохирургических операциях позволило создать окольные пути кровообращения путем микросоединения внутричерепных и внечерепных сосудов.

Микroneйрохирургия открывает большие новые возможности лечения мозговых инсультов. Опираясь на достижения анестезиологии, реаниматологии, неврологии, фармакологии и медицинской техники, неврология и нейрохирургия достигли больших успехов. Одним из наиболее крупных достижений советской медицины является разработка методов лечения больных с инсультами, заключающихся в профилактике, оказании помощи на месте развития заболевания, ранней госпитализации с применением комплексной, преемственной, длительной и специальной терапии.

В создании наиболее эффективной и рациональной системы лечения больных с инсультами принимают участие не только представители медицинской науки, но и организаторы здравоохранения. Ее совершенствование осуществляется массовой практикой врачей, особенно сотрудников учреждений «Скорой помощи». Внедрение новых методов организации лечебной помощи, широкое использование современных методов диагностики и лечения привели к снижению летальности от инсульта.

Марат КАРИЕВ,
доктор медицинских наук, профессор,
Научный центр
нейрохирургии.

Касбим фахрим

ЖАРРОҲНИНГ КЎЗИ ЎТКИР,
ҚЎЛИ БОТИР БЎЛИШИ КЕРАК

Мендан «Нега айнан шу касбни — болалар жаррохлигини танлагансиз» деб кўп сўрашади. Ҳаётда сабабсиз ҳеч нарса бўлмайди. Болалар жаррохи бўлишимга ўн саккизга тулиб-тўймай, жаррохлик амалиётидан кейин қазо қилган Сирожиддин тоғам сабабчи. Ўшанда Риштон туманидаги Пандигон кишлоғидаги мактабнинг 7-синфда ўқирдим. Кўнун тиббиёт билим юртида фельдшерликка ўқиётган тоғам оғир дардга чалиниб анча ётди. Ўлишларидан 3-4 кун олдин «Исмоил, Тошкентда катта дўхтирлар тайёрлайдиган институт бор. Мактабни битирсанг албатта ўша институтга кир, болалар врачлигига ўқигин. Лекин яхши врач бўлигин, бировни алдама, ёлгон сўзлама, ёрдамнингга муҳтожлардан хизматингни аяма» дедилар. Шу-шу «албатта врач бўламан, болаларни даволайман» деган ният шууримга маҳкам ўрнашган келди.

Ҳавас бошқа, ҳаёт бошқа экан. Тошкентга зўр ният билан бордини бировнинг гапига кириб ҳужжатларини институтга эмас, Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртига топширдим. Лекин ортга қайтмадим, фельдшерлик сирларини эгаллашга қаттиқ киришдим.

Билим юртини битириб келиб, туман марказий шифохонасида фельдшер бўлиб ишладим. Ҳар қал операция бўлган беморлар ётадиган хонага кирсам, тоғамнинг «жаррох бўламан, болаларни даволайман» деган сўрағи қўлақларим остида жаранлагандек бўлади.

Шу орда харбий хизматга бориб келдим. Ота-онам мени ўйлаш ташвишга тушиб марказий шифохонадан кишлоқ фельдшер-акушерлик пунктига ўтказмоқчи бўлиб юришганида, кўнгилига озор етмайдиган қилиб, юрагимдагидан тушунтирдим ва Тошкентга боришга изн олдим.

Ота-онам катта йўлгага кузатишиб, «Ниятинг йўлдошинг бўлсин, тоғаннинг руҳи қўллаб-қувватласин», деб юзларига фотиха тортдилар. Бунга қаранг,

уларнинг дуоси ижобат бўлиб, Тошкент тиббиёт институти даволаш факультетининг болалар касалликлари бўлимига қабул қилиндим. Менинг бахтим шундаки, фақат талабалик йилларим эмас, интернатурада, ва кли-

ник ординатурада ўқиган йилларим Маъруф Агзамхўжаев, Карим Хўжаевич Тоиров, Аҳмад Эгамбердиевич Саъдуллаев, Амин Сулаймонов сингари нуфузли, шоғирд-парвар, жаррохлики халоллик, жасорати ва миннатсиз, Оллоҳни ўртага қўйиб, бемор танасига тиг урувчи инсонлар касби деб билган ва бутун ҳаётларини шу ишга бахш этган устозларга шоғирд тушиб, жаррохлигини ўта қалти ва нозик сирларини ўрганиш учун жаррохлик амалиётда улар билан қатнашиб насиб этди. Устозлардан ўрганганларимни жаҳон тиб илми ва амалиёти андозаларига жавоб берадиган даражага етказиш, вилоят шароитида ҳам оғир, мураккаб операцияларни ишонч билан амалга оширишга қўл уришимда Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Киев шаҳарларидаги номи дунёга машҳур академиклардан олган сабақларим қўл келди.

Гарчи институтнинг учинчи босқинида ўқиётганимда профессор Агзамхўжаев кафедрасида болалар жаррохлиги бўйича амалий машғулотларга қатнашиб, олийгоҳни битирунимга қадар 19 та беморни операция қилиб, 1970 йил сентябр ойидан Фарғона вилоят шифохонаси болалар жаррохлиги бўлимида шифокор-жаррох бўлиб иш бошлаган, болалар шифохонаси жаррохлик бўлимига раҳбарлик қилган бўлсам-да, юқорида айтганимдек, Тошкентда икки йиллик ординатурани битириб, Санкт-Петербургда машҳур жаррох академик Герей Алиевич Баиров клиникасида икки марта тўрт ойдан малака ошириб қайтганимдан, бир қатор йирик симпозиум ва йиғилишларда иштирок этиб, болаларни оғир дардлардан жаррохлик йўли билан халос қилиш бўйича жаҳоний тажрибалардан хабардор бўлганимдан кейин чин маънодаги жаррох сифатида қорин бўлимидаги ўсмадор, ўпка ва кўкрак қафаси соҳасидаги ҳамда қон касалликлари билан оғирган беморларни операция қилишга киришдим.

Тўғриси айтсам, бошда иккиланган, чўчиган пайтларим бўлди. Ахир тўғма ичак кенгайиши, қорин бўлимидаги пуфакли ўсма, қон

хасталиклари билан оғирган болаларни операция қилиш вилоят шароитида муаммо ҳисобланарди. Ана шундай пайтда аввало Оллоҳдан мадад сўрайман, устозларим сабоғи ва ўғитларига амал қиламан.

Шунчаки, вилоят болалар шифохонаси жаррохлик бўлимининг бошлиғи эмас, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош жаррохи сифатида туманларга, олис қишлоқларга боришимга жойларда шошилиб жаррохлик амалиётларини ўтказишимга, ёш мутахассисларга маслаҳат беришга тўғри келди.

Бир кун иш вақти тугаб, кетмоқчи бўлиб турганимда Тошлоқ туманининг Яққатот қишлоғидан Гулнорахон Ақромова деган қизни олиб келишди.

Кўнунча ёрилиб кетган, ҳарорати юқори, зудлик билан операция қилмас бўлмайди. Катта ҳамширамиз Муҳаббат Шодиева, шифокор Мукаррам Раҳмонова менга мададкор бўлишди. Қизининг ҳаёти сақлаб қолинди. Шу йил баҳорда Богдод туманига санитария-авиация йўли билан қайтартиришди. Зудлик билан етиб бордин. Набижон исми етти ёшли боланинг ўнг ўпкасида эхинококк кистаси йиринглаб ёрилган. Вазият низоҳат мураккаб, вилоят марказига етказиб бориш қийин, шошилиб операция ягона чора. Бор имкониятни ишга солиб, боланинг ўпкасидаги эхинококк кистасини олиб ташладик. Бундай воқеалар, шошилиб операциялар тез-тез бўлиб туради. Ана шундай пайтларда Иброҳимжон Умаров, Султонғоза Саидуллаев, Абдуқодир Абдуллоев, Сотижон Исроиловга ўхшаган билимли, иқтидорли шоғирдларим менга ҳамфиқр бўлишди.

Мана, ўттиз йилдирки, Оллоҳдан наҳот тилаб, жаррохлик хонасига қираман, операция муваффақиятли ўтиб, беморга ҳаёт бахш этолсам, худди милоқиб дам олган одамга ўхшаб, кўнгилим тоғдек кўтарилиб чиқаман. Айнакча, менинг қишқиримни интизорлик билан кутиб, қўлларни кўксига «раҳмат, дўхтир, дунё тургуна туринг, бахтимизга омон бўлинг» деган миннатдорчиликларни эшитганимда, соатлаб оёқда туриб, кўзим толиққан, бармоқларим увишиб, елкаларим қотиб қолганимни унутиб, юрагим гургура тўлади, чарчоқларим тарқаб кетди. Одамларга кераклигим, улар хизматига яраётганимдан фараҳланаман.

Бизнинг эртамиз, келажаги буюк Ўзбекистонимиз истиқбол учун курашаётган авлодини соғлом, барқамол воёга етишига яна ҳам кўпроқ ҳисса қўшишга ундайдим.

**Исмоил ЖАЛИЛОВ,
Фарғона вилоят болалар шифохонаси, жаррохлик марказининг бошлиғи, олий тоифали шифокор.**

Менга сўз беринг

ОРЗУИМ УШААДИ

Ҳар йили Тошкент Давлат Тиббиёт институтига шифокорлик касбини ҳавас қилиб келган юзлаб, минглаб ёшлар ҳужжат топширишди. Улар барча зўр ниятлар билан «шифокор бўламан» деган мақсадни ўз олдига қўйдилар. Шу жумладан мен ҳам шифокор бўлишни сийқидилдан орзу қилганман.

Оллоҳга минг бор шукрлар бўлсинки, менга ҳам ушбу бахтга эришиш насиб қилган экан. Неча йиллар оракиб кутган қўнларим келди.

Ўлуғ бобомиз Абу Наср Форобий: «Агар инсон зағулиққа интилиб яшаса, унинг умри қувончли ва гузал кечади, гузал ҳаёт эса халқ назарида ҳам, Худо назарида ҳам юксакдир», деган эди. Инсон қалби шунчалик улуғвор, бепоянги, уни ҳаёт чашмаси ёки ажиб бир дунёга қўйс қилса бўлади. Агарда мана шу ажиб дунё чўқур билимини эгаллаган ҳолда узгалабга ердан бериш, айдиллик қилиш, меҳрини қозониш, дардини енгиллаштириш тўғриси билан тўлган бўлсагина, бу буюк қалб эгаси олижаноб инсон, яъни ҳақиқий шифокор бўла олади.

Инсон учун фақатгина назарий билим олишнинг ўзи кифоя эмас, балки олинган билимни ҳаётда тараккиёт йўлида сарфлашни ҳам билиши лозимдир. Гарчи шифокорлигининг ҳаётий сир-синоатлари машаққатли бўлса-да, мен бу машаққатларни унутиб, унинг ҳали очилмаган сирларидан бохабар бўлигим, ўз билим ва маҳоратини қўллаб ҳаётга тадбиқ қилгим келади. Матонатта, гайрат-шижоатга тўлган дилим эса мени чўқур билим эгаллашга, астойдил меҳнат қилишга, сабр-бардошли бўлиб изланишга ундайди. Дарҳақиқат, поклик, инсонийлик ҳамда адолатпарварлик шифокорнинг энг муқаддас бурчидир. У инсоннинг дард-ғамини қурганда унинг дардига малҳам бўлиши, меҳрибонлик, ширинсухаллик билан қалбидан жой олиши лозимдир. Ўз беморини бутунлай соғайиб кетиши учун муолажа қилаётган ҳар бир шифокор софдил, зийрак, тўғри ташхис қўя биладиган, жисмонан ва руҳан қучли, қалби эса меҳрға тўла бўлиши керак. Бошқача айтганда, шифокор беморга энг аввало ширин сўзи орқали таъсир қилиш санъатига эга бўлиши шарт.

Бемор билан муносабатиди ҳули, билимдонлиги, тиришқоқлиги билан болаларга урناк бўлиши керак.

Тарихимизга назар ташласак, Абу Али ибн Сино, Ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби буюк алломаларнинг тиб илмига қўшган ҳиссалари, хизматлари беқийс-дир.

Ибн Сино айнакча тиббиёт илмига алоҳида меҳр қўйганди. Қисқа вақт ичида у тиббиёт соҳасида катта шукрат қозонди. Ибн Синонинг ўзи бу ҳақда қўнмақиларни ёзиб қолдирган:

«Тиб аслида қийин илмлардан эмас, шу сабабдан мен қисқа муддат ичида бу соҳада шундай ютуққа эриша олдимики, ҳатто фозил табиилар ҳам менга келиб, мендан тиб илмининг қўнмақиларини эришган. Эришган тажрибаларим натижасида менга даволаш эшикларини шундай кен очилдики, уни таърифлаб бўлмайди». Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда ҳам Ибн Синонинг бизгача қолдириб кетган илмий меросидан амалиётда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг қисқа вақт ичида ўз тарихини, ўзлигини англай бошлади. Мустақиллик янги ҳаёт кечирлиши, янгича фикрлашни, янгича маънавиятни талаб этди. Мана шундан ташқиллик Ўзбекистонимиз улкан ютуқларга эришга бошлади. Бу борада эса Президентимиз Ислам Каримовнинг хизматлари беқийс-дир.

Таблим-тарбия соҳасида бўлаётган ўзгаришлар эса фикримизнинг яқол далилларидир. Замон талабига мос мутахассис тайёрлаш учун, биринчи навбатда барча ўқув юрларининг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлишини Президентимиз сузлаган нўтқларидида айтиб ўтганлар.

Институтимиз ректори Ҳамид Екубович Каримовнинг улкан ташаббускорликлари туфайли талабаларнинг чўқур билим олишлари билан бир қаторда уларнинг изланишлари, турли фанлар амалий қўнмақиларидан етарли даражада фойдаланишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Албатта бу биз талабалар учун қувончли ҳолдир. Талабалар билимининг назорат қилиш компьютерлар орқали амалга оширилмоқда, янгича усуллари қўлланган ҳолда оралик ва яқиний назоратлар ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Талабалар тест синовларини компьютерларда топшириб ўзларининг билимларини ортириб боришмоқда. Институтимиз тиббиёт соҳасига киритилган бўлса-да, педагогик фанлар ҳам қўнчурлаштириб ўтилмоқда. Талабаларимиз нафақат назарий билимлар, балки амалиётда турли муолажаларни ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ана шундай айтиб ўтиш жоизки, бўлажак шифокорларни деонтологик жиҳатдан тарбиялаш ишлари олиб боришмоқда. Шу йили ҳам институтимизда ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири, институтда хизмат қўнсанган энг яхши профессор Эркин Йўлдошев Қосимов ташаббуси билан биринчи бор клиникага қадам қўнган 3-босқич талабалари учун «Клиникага йўл» тадбири амалга оширилди. Талабалар ушбу анжуманда фаол иштирок этдилар. Биз талабалар ва маърифат раҳбарияти, клиник кафедра мудири, республикада хизмат қўнсанган врачлар олдига врачлик бурчиға содиқ қолишга, Ўзбекистон Республикасида Ибн Сино ўғитларига амал қилишга ваъда бердик. Бизга билим беришда устоз-мураббийларимизнинг хизматлари каттадир. Ана шундай жоқсур, ўз касбини севадиган фидокор инсонлардан ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири Э. Қосимов билан бир қаторда профессор, даволаш факультети хотин-қизлар қўнматиси раиси Машҳура Ҳождова, тиббиёт профилактика факультети хотин-қизлар қўнматиси раиси, травматолог-жаррох, профессор Саодат Асият, акушер-гинеколог Дилбар Шаматқўннова, педагогика ва психология кафедраси мудири, тилшунос Нодира Дўстхўжаева, яна шулар қаторида Малика Қодирова, Машҳура Ризамўхамедова, Мамлакат Рустамова, Рихси Абдукаримова, профессор Ражаб Исроилов, Малика Абдуллахўжаева ва бошқа устозларимизнинг хизматлари беқийс-дир.

Институт даргоҳида биз таблим олибгина қолмай бу масканда катта тарбия ҳам қўнряймиз. Хусусан, «Қамолот» ёшлар ташкилоти томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар фикримизнинг далилидир. «Қамолот» ва «Мажид» маркази томонидан ҳам олиб борилаётган тарбиявий ишлар бизни қўнмил инсон бўлишга етаклайди. Биз талабалар ҳозирги кунда таблим ва тарбия бериб келаётган устозларимиздан беҳад миннатдоримиз.

Мен ҳозир ТошДТВТИ 3-курс даволаш факультети талабаси эканман, аввало, тиббиёт олиғоҳига кирганимдан, қолaversа, юқорида келтирилган фидокор устозларим борилигдан фараҳланаман. Шу ўринда ота-онам ҳамда устозларим ишончини оқлашга, олижаноб, меҳрибонлик қалбидан жой олганлар софдил шифокор бўлишга, умрининг сўнги дақиқаларигача ўз касбини содиқ қолишга, мустақил Ўзбекистонимизнинг тараккиёти учун гайрат-шижоат билан меҳнат қилишга, ўзининг — бу билимим ва маҳоратимни инсон саломатлигини сақлашга қаратаман деб ваъда бераман.

**Зебинисо АХМЕДОВА,
II Тошкент Давлат Тиббиёт институти даволаш факультети 304-гурух талабаси.**

ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ, ЧТО...

Подкожный венам отведена важная роль в системе регуляции организма. Протекая по их разветвленной сети, кровь охлаждается. Это спасает нас от перегревания при лихорадочном состоянии и интенсивной физической работе. Тот же механизм венозной «вентиляции» имеется... в крыльях пингвинов и ушах слонов.

Некоторые ученые считают: периферические вены изначально несовершенны. Природа, в сжатые сроки внутриут-

робного развития буквально из ничего создающая человеческий организм, сначала тклет венозную «паутинку» начерно, чтобы к моменту рождения была хоть какая-то сосудистая сеть — «временка». Все равно активно функционировать она начнет лишь через год, когда ребенок встанет на ноги: к этому сроку младенческая «паутинка» должна рассосаться, а разветвленная система периферических вен трансформируется в единую нить — ствол. У некоторых счастливейцев так и происходит: варикозные расширения вен им не грозят. Со 100 % — ной вероятностью рискуют заполучить заболевание те, у кого процесс венозной перестройки остановился на промежуточной стадии: «временка» не полностью уничтожена, ствол до конца не сформирован. Обнаружить это отклонение поможет ультразвуковое исследование венозного русла — так называемая доплерография (о ней чуть позже). Если врожденная предрасположенность к варикозному расширению подтвердится, проявите о венах особую заботу.



Соғлом турмуш тарзи
Республика
Саломатлик институти

Инсон ирсиятига кўра, 120 йил умр «ка-фолатлаб» кўйилган. Энг узок умр кўраётганлар ҳозирда японлар бўлиб, кунчиқар мамлакатда ўртача 79 йил ҳаёт кечирмоқдалар. Австралияликлар, греклар, канадаликлар ва шведлар ўртача 78 ёшгача яшамоқдалар. Шифокорлар, рухшунослар ва диетологлардан таркиб топган ҳалқаро гуруҳ шундай бта фойдала қоида ишлаб чиқдиларки, унга амал қилган кекса ёшдагилар анча узок ва ёқимли умргузаронлик қилишлари мумкин экан. Қуйидаги маслаҳатлар эса умрни узайтирувчи омиллар сирасига кирилади.

Тановул вақтингиз 20 дақиқадан ошмасин. Агар ҳаммасини 5-10 дақиқада пок-покиза туширсангиз ошқозонгача овқат оғир тош мисоли ўтиради ва «чиқиш» кийин кечади.

Хар бир луқмани саккиз-ўн мартаба чайнанг. Натижада ту-пуқ билан бирга птисалин – шифобахш дори ишлаб чиқарилади. Бу модда меъдани тўла қувват билан ишлашга мажбур қилади ва тўқлик юзга келади.

Тушлик қилиб бўлгач, дарров ўринга қўйилманг. Қандайдир юмуш билан банд бўлсангиз хар хил ошқозон касалликлари – гастрит, колит, яра ва қабзиятга урмайсиз.

Таом ёшингизга мувофиқ бўлсин. Чунки хар бир ёшда киши хар хил овқатланади. 30 ёшлиларга жигар ва ёнғоқлар айнаи муддао бўлса, 40 ёшлиларга бета-каротин (сабзи) мақбул, 50 ёшдан кейин кальций суюяни сақлайди, мағний юракни, 40 ёшдан ўтганларга пишлоқлар буйракларда бўладиган селен моддаси жуда зарур. 50 ёшдан хатлаганимиздан

УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

ТЎЙГУНЧА ОВҚАТЛАН-МАНГ

кейин балиқ истеъмол қилиш билан юракни ва қон томирлари-мизни асраймиз.

САЛҚИН ХОНАДА УХЛАНГ

Харорати 17-18 даража бўлган хонада ухлаганлар узок йиллар ёшлигича қоладилар. Негаки, танадаги модда алмашувлари, айниқса ёшнинг ўзига хос хусусиятлари атроф-муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ.

ДОИМО ХАРАКАТДА БЎЛИНГ

Жисмоний тарбия хар қандай дори-дармондан ҳам кучлироқ-дир. 8-10 дақиқали эрталабки бадантарбия ҳам умрни узайтиради. Бадантарбия саломатлик учун овқат ва сувдан кам ўрин тутмайди. Тўғри танланган ҳаракатлар мажмуи туфайли энг улуг ёшгача ҳам бўғинлар ҳаракатчанлигини сақлаб қолиши мумкин. Маълумки, ҳаракатлар мушаклар ва бўғинларни мустаҳкамлайди. Уй-кудан кўзингизни очинишгиз би-

лан кундузги серҳаракат фаоли-ятга ўзингизни чоғланг.

СЕВИНГ, МЕХР-МУҲАББАТ КЎРСАТИНГ

Ошқиклик танада мураккаб ким-ёвий моддалар ишлаб чиқаришга олиб келади. Мазкур моддалар эса ўз навбатида юракларга ҳаяжон солади, ошқозонда ёқим-ли, илиқ сезгилар пайдо бўлади, қафллар терлайди. Ҳис-ҳаяжонли киши 10-15 йилга ёш кўринади. Висол дамларида танада ишлаб чиқариладиган эндорфин (бахт гармони) иммун тизимини мустаҳкамлайди.

УҚАЛАШ

Бу энг гигиеник даво муола-жасидир. Турли уқалаш усулла-рини қўллаш билан тананинг ҳимоя кучларини фоллаштири-миз ва кўнгилсиз ҳис-тўғулар-дан озод бўлаемиз. Натижада меҳ-натга қобилиятлилик ошиб, кай-фият яхшиланади, муддатидан аввал қариб қолишни олди оли-нади.

ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ, ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ

Илоҳи борица рухий тўқна-шувдан қочинг. Ойдек равшан-ки, ҳамма касалликлар асабдан. Асабий уйқусизликда ялпиз, мелисса ва валеряна япроқла-ри дамламаси яхши ёрдам бе-ради. Хар куни баданни тузли совуқ сувга ҳўлланган сочик билан ишқаланг. Уйда ва иш-даги ўзаро муносабатларда қуйидаги маслаҳатларга риоя қилишга интилинг, аввало ҳам-сухбатингизни кадр-қиммати билан ҳисоблашинг, ҳақру-ғазоба берилманг, бир дақиқа сукут сақлаб, мулоҳаза қилиб кўринг. Баъзан раҳбар нуқтаи назарига қўлоқ солиш, бир баях паст келишни ҳам билиш ке-рак. Ўзингизга танқид кўзи билан қарасангиз, атрофингиз-дагилар ҳурматини қозонасиз. Кўнгилсизликлар, ташвишлар-рингиз билан ёлғиз қола кўрманг. Уларни мулоҳазакор, солиҳ инсонлар билан баҳам кўрсангиз энгил тортасиз.

МУОМАЛА ВА СОҒЛИҚ

Инсоний муносабатларнинг энг оддийси ва энг кўп тарқал-ган тури бу муомаладир. Биз хар куни кўчада, ишда, бозор-да, дўконда, оилада, автобус, поезд ёки самолётда бўлсин та-ниш ва таниш бўлмаган юзлар-ча одамлар билан иш юзаси-дан ёки заруратдан, бўлмаса шунчаки муомала қилишимиз-га тўғри келади. Одамлар ўрта-сидиги муомала бу ҳаёт талаби ва зарурияти. Лекин узок йил-лар давомидида шаклланган ин-соний муносабатлар натижаси-да муомала маданият даража-сига кўтарилган ва унинг қўпга-на кўринишлари оддий умумин-соний қадриятларни ташкил этади. Масалан, ўзидан катта-га салом бериш, автобус ёки транспортда жой бериш, сўзлашганда хар бир кишининг ҳурматини сақлаш, нонамқул хатти-ҳаракатлар ва қилиқлар-дан сакланиш ва шу каби юз-лаб яхши урф-одатларимиз борки булар ҳаммаси яхши ин-соний фазилатлар мажмуаси-дир.

Муомала воситаси сўз экан-лиги ҳаммага маълум. Шунинг учун бизнинг муомаламизда сўзни қўллашнинг, аникроғи керакли ва ўрикли сўзни қўллаш

билишнинг соғлиғимиз учун аҳамияти бор. Сўзда бизнинг асабларимизга, онгимизга бево-сит таъсир этиб хатти-ҳаракати-миз ва фаолиятимизни йўналти-рувчи куч бор. Шунингдек, сўз билан киши бадани ва аъзолари фаолиятини ҳам бошқариш мум-кин. Ҳозирги кунда ҳам психиа-три амалиётида сўзнинг бу сеҳр-ли кучидан даволловчи восита си-фатида фойдаланилади. Бир оғиз ширин сўз одамнинг чеҳрасини очади, дилини ёзади, кайфияти-ни яхшилайди, руҳиятини кўтара-ди, кишини ҳаётга, яшашга, меҳ-натга ундайди. Илмий ва ҳаётий кузатишлар шунини кўрсатадики яхши сўз ва муомала таъсирида овқат хазм бўлиши тезлашади, қон ҳаракати, ички секреция без-ларининг шира ажратиши яхши-ланади, руҳ кўтарилади, ҳордиқ кишиб, бутун баданда роҳатбахш тинчлик ҳукм суради, уйку яхши-ланади. Қанчадан-қанча оғир ка-салликлар билан оғриган бемор-ларни фақатгина ширин сўз ва яхши муомала билан тузалиб кет-ганини биламиз.

Ақсинча, қўпол муомала ва ёмон сўздан кишининг азойи ба-

дани ларзага келади. Шунинг учун ёмон сўздан томирлар уриши тезлашиб, юрак бесаранжом бўла бошлайди. Кишининг ранги-рўйи-нинг оқариб кетиши томирлар-нинг қамайганидан далолат бе-ради. Шундай ҳолат ички аъзо-ларда ҳам содир бўлади. Оқибат-да ошқозон-ичак тизими, жигар, буйрак каби ҳаётий муҳим аъзо-ларнинг фаолияти сусаяди. Юрак-да ўзини қон билан таъминлай-диган томирларнинг сиклишидан хар хил оғриқлар пайдо бўлади. Бундай ҳолатнинг узок тақорролани-ши юракда хужур пайдо бўлиши, юрак инфаркти, қон босимининг кўтарилиши, ошқозон, 12 бармоқ-ли ичакда яра бўлиши каби ка-салликларга сабабчи бўлади. Шунингдек, ёмон сўз ва муомала кишининг асабига таъсир этиб, уни жаззакчи, гап кўтармайдиган қилиб қўяди.

Сўзнинг, тилнинг киши соғли-га таъсири афсонавий табиб Лукмон Ҳаким билан боғлиқ бир ривоятга жуда яхши тасвирлан-ган. Эмишжи Лукмон бир бойнинг эшигидида хизматкор бўлган. Бир куни бойнинг уйига энг яқин дўсти меҳмонга келганда хўжаси Лук-

монга қўй сўйиб энг мазали ери-дан пишириб келишни буюрган. Лукмон қўйнинг тилини пишириб келган. Кейин хўжаси қўйнинг энг бемаза еридан пишириб келишни буюрган. Лукмон яна бир қўйни сўйиб яна тилини пиши-риб келган. Хўжаси ҳайрон бўлиб, нима учун мазали еридан деган-да ҳам, энг бемаза еридан де-ганда ҳам тилини пишириб кел-динг деб сўраганда, Лукмон: агар ширин бўлса тилдан мазали, бор-дию аччиқ бўлса тилдан бемаза нарсаси йўқ, деган.

Кўриниб турибдики, ёмон сўз, батхуллик бутун инсоният тарақ-қиёти давомидида қораланиб келин-ган.

Ўзаро муомала маданияти бу фақатгина соғлиқ нуқтаи назари-дангина муҳим масала бўлмасдан балки хизмат соҳасидидаги қўпга-на ишларнинг юришиб кетишида ҳам катта аҳамиятга эга. Қолаверса жаҳонда хушфеллиқдан яхши фа-зилатнинг ўзи йўқ. Америкалик машҳур жамоат арбоби, нотиклик санъати ва инсоний муносабат-лар институтининг ректори Дейл Карнеги муомала, муносабат, ўз фикрини ўтказиб иш битириш

масалаларига бағишлаб ҳатто катта китоб ҳам ёзган. Шу ерда унинг «Қандай қилиб дўст ор-тириш ва кишиларга ўз таъси-рини ўтказиш» мумкинлиги ҳақидаги китобидан баъзи бир хулосаларни келтирамиз. Ал-батта мақсадимиз Карнегини шарҳлаш эмас, балки у ҳақда кўпчилиқда тушунча ҳосил қилиш. Шунинг учун унинг ки-шиларга ёқиннинг ёки лутфли бўлишнинг бта қоида-сини кел-тиришни маъқул топдик.

1. Сўхбатдошингиз билан чин дилдан ва кўнгилдан муомала қилинг.

2. Сўхбат чоғида чеҳрангиз очик бўлсин.

3. Хар бир кишининг ўзи учун унинг исмидан ҳам чиройлироқ жаранглайдиган товуш йўқ. Шунинг учун сўхбатдошингизни исми шарифини билинг.

4. Сўхбатдошингизни кўпроқ тинланг. Ўзи ҳақида гапириши-га имкон беринг.

5. Сўхбатдошингиз нимага кўпроқ қизиқса, шу мавзуда сўз юритинг.

6. Сўхбатдошингизга унинг фикрлари аҳамиятли эканлиги-ни билдириб қўйинг ва буни чин дилдан қилинг.

ОВҚАТЛАНИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЗИРАВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Доривор гиёҳлар ҳақида гап юритилганда, унинг организм учун нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўласан киши.

Серкўш дибримишнинг бар-ча гўшаларида доривор ўсим-ликларнинг маълум бир қисми ўрмонларда, тоғ ён бағрлари-да ўсади. Буларга:

АЛОЭ – тиббиётда унинг суюқ экстракти, шираси, таб-леткаси ва суюқ суртмаларидан овқат хазм қилишнинг бузили-ши, ичак яраси, бронхитал да-во, куйган жойларга даво қилишда ишлатилиб келинган.

БЎЙМОДОРОН – қадимдан табобатда диарея (ич кетиши), ўн ички бармоқ ичак яра ка-

салликлар, гастрит ва бавосил касаллигида қон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилиб келинган. Асосан дамламалар шаклида ишлатилади.

ДАЛА ЧОЙИ (зверобой) – асосан кенг тарқалган ўсим-ликлардан бўлиб, тиббиётда оғриқ қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи ва ошқозон ичак касалликларини даволашда қўлланилиб келинган.

ЗУБТУРУМ – шифобахш ўсим-лик сифатида ишлатилиб кели-нади. Асосан барги ишлатилади. Унинг баргидида ошловчи модда-лар, витамин С, К, каротин ва бошқа бирикмалар мавжуд. Кўпроқ жигар, буйрак, кўз касал-ликларида, қон тупурганда, ош-қозон ичак касалликларида иш-

латилади.

Шу билан бирга уй шароитида инсон меҳнати билан доривор ўсимликлар ҳам етиштирилади. Буларга:

ПИБЭ – ош пибэзи ва сарим-соқ пибэларни ишлатилади. Пибэ-нинг таркибиди витамин А, С бўлади. Тиббиётда цингга касал-лиқ кўриш фаолиятининг сусайиши ва бошқа касалликлар-да қўлланилади. Саримсоқ пибэ – соч тўкилиши, бўқоқ касаллиги, қулоқ ва буруннинг йирингли яра касалликларига даво сифатида ишлатилади.

ШИВИТ (укроп) – зиравор ўсимлик сифатида кенг тарқал-ган. Шивит меваси таркибиди 4%гача эфир мойи, кумаринлар,

витамин С, В₆, В₁₂, 20%гача ёғ, оксил бўлади.

Халқ табобатида шивитнинг меваси дамламаси овқат хазм бўли-шини яхшиловчи, иштаҳани очув-чи, ел ҳайдовчи, эмизикли аёл-ларнинг сутини кўпайтирувчи дори сифатида фойдаланилади. Шивит дамламаси юрак чарчаб қолганда унинг уришини тезлаш-тирувчи, қон томирини кенгайти-рувчи ва қон босимини пасайти-рувчи дори воситаси сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари:

сельдерей, жағ-жағ, отқулоқ ва бошқа шифобахш ўсимликлар ҳам мавжуд. Бу ўсимликларни кўп қисми юқумли ва соматик касалликларни даволашда ва уларнинг олдини олишда му-ҳим ўрин тутди. Шундай экан биз кундалиқ турмушимизда овқатлар билан бирга қўқатлар-ни ва зиравор ўсимликларни кўпроқ истеъмол қилса юқори-да келтирилган касалликларга чалинишдан фориғ бўлаемиз.

Саҳифа материаллари Республика Са-ломатлик институти ходимлари томонидан тайёрланди.

Наврўз неъматлари

СЕРМАЛАК
СУМАЛАК

Наврўз дейишимиз биланок негадир хаёл кўзгусида даҳсари қозонларда биқирлаб қайнаб турган сумалак гавдаланади.

Дарҳақиқат, баҳор айёмини кўкларнинг ушбу тансиқ таомисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўпчилик бўлиб тайёрлангани учун ҳам ширин бўлади-да у. Сумалакда ҳикмат кўп. Қиш бўйи бўшашиб, витамин талаб бўлиб чиққан одам организм учун сумалакдан-да яхши, кучли, фойдали озуқа йўқ. Илғи қуриб турган кишига қарнай-сурнай ёқмайди-да. Сумалакдан бир бор тўйиб еган эса...

Айтишларича, сумалак биқирлаб қайнаб турган тонг чоғида фалакдан ўттиз нафар фаришта – малак тушиб келиб қозонга нимарса ташлаб кетишар, сумалак сатҳига сувратлар солишар экан.

Наврўз кунлари сумалакни тўйиб еган киши йил бўйи дарду-иллатдан нари юради дейишларини жон бор. Маълумки, сумалак ундирилган бугдойдан тайёрланади. Бугдой ўсимтаси эса асосан углевод ва оксиллардан иборат. 1936 йилда ўсимликни текширган Эмерсон ва Эванс деган немис олимлари бугдойда токофорол моддаси борилигини аниқлашган. Бу жёншён ўсимлигининг таркибида учрайдиған Е витамининг ўзгинасидир.

Наврўзда
устозларимга
бир салом қилай

Айтишу

БУ ҚОШИНГИЗ
ҚОРАСИМИ...

– Алижон ҳо Алижон!
– Лаббай!
– Сумалак сайлига келган киши сал очилиб ўтиради. Жа ўйлаиб қопсиз. Бу бошми ё куда томондан келган тоғорами?
– Валижон ҳо Валижон!
– Лаббай!
– Хали пишмаган сумалакдан роса ялапсиз-да. Бу қоринми ё бешик тўйидаги ногорами?
– Алижон ҳо Алижон!
– Лаббай!
– Қозонга яқин ўтириб, анча очилиб кетибсиз. Бу қошингиз қорасими ё қозоннинг қуясими?
– Валижон ҳо Валижон!
– Лаббай!
– Узингиз ҳам ўчоқ бошидан кетмай қолдингиз. Юзингиз кип-кизил, қараган одамнинг суқи қиради-я. Бу бурунми ё войвоқнинг уясими?
– Алижон ҳо Алижон!
– Лаббай!
– Сумалак пиширини келган одам елиб-юғуриб хизмат қилади. Утин ёринг десак болтанинг сопи калта экан, деб баҳона қилдингиз. Энди бўлса оёингизни осмонга қилиб ётибсиз. Билмаган одам Алижон қочди дейди-да.
– Валижон ҳо Валижон!
– Лаббай!
– Ишдан қочмаймиз. Аммо сизга сал тушунмай турибман-да. Сумалакка ҳамма бир ўзи келса, сиз бутун маҳалланинг бола-чақасини иғиб қопсиз. Қаранг, атрофингизда гир бўлиб ўтиришибди. Билмаган одам Валижон сумалакнинг тафтида жўжа очганим дейди-да.

БАҲОРНИНГ ШИФОБАХШ
НЕЪМАТЛАРИ
ЯЛПИЗ

Ариқ бўйларида бодраб чиқадиган ялпизнинг хушбўй хиди киши дилига ўзгача заъв бағишлайди. Унинг янги униб чиққан барглари суяқ оғакларга маза киритади. Ялпиз, пиёз ва бошқа кўкатлар қийма қилинади. Жизза, қаймоқ қўшиб чучвара қилинади.

Ялпизда тозалаш, шимдириш, очиш, латифлаштириш таъсирлари мавжуд. Меъда заифлигида, иштаха очилда фойдаси бор. Тоғ ялпизининг қайнатмасига чумилса сариқ касали билан оғриган кишини терлатади. Қайнатмаса ичак оғриқларига, қусиш билан бирга бўладиган ич кетишига фойдаси бор.

ЖАФ-ЖАФ

Халқимизда жаф-жаф кўкатидан турли-туман ёқимли таомлар тайёрлаб, уларнинг шифобахш ҳосиятларидан баҳраманд бўлади. Халқ табобатида бу гиёҳ ўзининг қон тўхтатиш хусусияти билан танилган. Меъда, ўпка, бурундан қон кетгудек бўлса, жаф-жафдан дамлама тайёрлаб берилади.

ОТҚУЛОҚ

Отқулоқнинг янги униб чиққан барглари кўкатлар билан чоппи қийма қилинади. Жизза, кўк пиёз қўшиб сомса, манти ва чучвара тугулади. Отқулоқнинг таркибида С витамини ва шовул қислотаси бор. Отқулоқ қон босими оғанда фойдали. Отқулоқ ўтидан тайёрланган дамлама, қайнатма ва экстрактларни бадан терисидаги яра-чакларга даво қилиш учун ҳам ишлатилади. Ибн Сино таъкидлашича, отқулоқ ўти ва уруғлари ич кетарга даво бўлади. Уруғларни сув ёки мусаллас билан ичилса, ичакдаги яралар ҳамда ич суришига даво қилишда наф беради.

ИСМАЛОҚ

Исмалокдан баҳорда шўрва, пюрё, кўк сомса ва салат тайёрланади. Унинг баргида оксил, темир, фосфор, турли хил витаминлар бор. Юракка кўч бағишлайди. Замонавий табобатда исмалок барглари гидролиз қилинганда секретин деган модда ҳосил бўлиши аниқланган, бу модда меъда безлари билан меъда ости безларининг фаолиятини қучайтириб, овқат ҳазм бўлишини енгилаштирилади.

РАВОЧ

Халқ табобатчилигида илдизи пўстидан ажралиб, қуритилади. Сўнгра унинг сутли қайнатмаса ички касаликларни даволаш учун ичирилади. У меъда фаолиятини яхшилади. Илдиздан тайёрланган қайнатма қон кетишини тўхтатади. Шунингдек, илдизи ичкетишда ичак, буйрак ва қовуқлардаги оғриқларни қолдиради. Қайнатмаса қон босими бор беморларга тавсия этилади.

Равоч – торондошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўсимлик. Максимович турининг бўйи 100-120 сантиметргача етади. Поя асосини кўнғир рангли барг ўраб олган. Пояси баргсиз, кўп сугулсимон буртмали. Пастки қисми бироз ялпайган. Қизғиш рангли, юқори томони сероҳ ўчида перамидасимон тўпгуллар ҳосил қилади.

Ибн Сино таъкидлашича, сиқиб олинган суви кўзга тортилса кўзни равшан қилади. Сахроли ичкетишда, астма ва қон тўшлада фойдали. Шунингдек, жигар, меъда заифлигида ички оғриқлар, ҳикичкини қолдириш хусусиятига эга. Илдизини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурги қилинса сенкил ҳамда теридagi яралардан қолган изларни йўқатади.

Сарвар ИСАЕВ тайёрлади.

Коғда, лежа в постели, мы натягиваем на себя шерстяное одеяло, то вряд ли догадываемся, что «заряжаемся» до 700 вольт.

Для человека подобные заряды могут быть коварными. Если огонь мы видим, тепло – чувствуем, вода пугает нас глубиной или силой потока, то электрические заряды, как правило, незримы. Но величина потенциала, казалось бы, от пустякового трения может достигнуть ощутимых размеров.

При ходьбе по полу, покрытому линолеумом, она вырастает до 1000 вольт; если же пол покрыт синтетическим ковром – до шести тысяч. Можно себе представить, сколько энергии будет давать, например, палас, уложенный в школьном коридоре во время перемены! Некоторые люди в течение дня настолько наэлектризовываются, что, здороваясь с ними, невольно отдергиваете руку от обжигающих искр.

Мы все больше изолируем себя от чудесного проводника – земли: дороги покрываем асфальтом, носим синтетическую обувь и одежду, строим дома, применяя синтетические материалы, нас окружает масса пластмассовых вещей – посуда, мебель, гребни для волос и т.д., и т. п. Такое накопление зарядов постепенно может привести

Осторожно – электричество!
ОБЖИГАЮЩИЕ
ИСКРЫ

к чрезмерному повышению потенциала и нарушению энергобаланса, что впоследствии может пагубно отразиться на здоровье. Головные боли, неврозы, повышенная раздражительность, быстрая утомляемость, сердечно-сосудистые заболевания, нарушение сна – вот далеко не полный перечень болезненных последствий от избытка статических зарядов.

Снять вредные электростатические заряды и восстановить энергобаланс можно, например, с помощью увлажнения воздуха. Очень хорошо для этого использовать аквариумы.

Есть и другие способы: линолеум можно смазать тонким слоем глицерина, а в воду для мытья полов добавить хлористый кальций.

Сегодня в промышленности и в быту нашли эффективное применение специальные химические препараты – антистатики в виде различных мастик, паст, аэрозолей. Они помогают избавиться от

статического электричества, накопившегося в одежде.

Но ведь человека антистатиком не обработаешь. Как тут быть? Как избавиться от раздражительности, вялости, преждевременной усталости ног?

Наверняка многие знают про домашнее заземление. Сделать это очень просто – надо присоединить к водопроводному крану или батарее отопления гибкий тонкий голый медный провод, а другую его часть подержать в руке. Что касается обуви, то лучшей подошвой является кожа, хорошо впитывающая влагу и благодаря этому более электропроводная. Так что используйте любую возможность походить босиком.

ОБЪЯВЛЕНИЕ
ДАЮ ВОЗМОЖНОСТЬ ЗА-
РАБОТАТЬ ВРАЧАМ.

Тел. 131-50-04

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 28 февралдаги лицензия
комиссиясининг 2-сонли мажлис қарорига асосан:

№	Корхона номи, манзили	Лицензия раками	Берилган санаси	Лицензияси қафолатсиз деб топилган сана
1	«Фарангис» тиш қуйиш ва даволаш маркаси Жиззах вилояти Жиззах тумани А. Навоий жамоа хўжалигида жойлашган	442-тиб.	1996 йил 19 апрелда берилган.	2002 йил 28 февралда.
2	«Сухроб» номли хусусий тиббий ишлаб чиқариш фирмаси Жиззах вилояти Дўстлик шаҳри Дўстлик тумани, Саркисов кўчаси 13/8 уйда жойлашган.	412-тиб.	1996 йил 9 апрелда берилган.	2002 йил 28 февралда.

«Ўзбекистонда
соғлиқни сақлаш»

«Здравоохранение
Узбекистана»

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир:
С. ОРИПОВ
профессор.

Ижрочи муҳаррир:
И. СОАТОВА.

Тахрир ҳайъати:
М. МИРАЛИЕВ, П. МИРПУЛАТОВ
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Х. РАББАНАЕВ.

Манзилгоҳимиз: 700060, Тошкент,
Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-кават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида
рўйхатга олинган, гувоҳнома № 00504.
Умумий адади 10.000 нуска
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Хафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш» дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Заказ Г-229.

Рўнома «ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасида чоп
этилади. Корхона манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.
Ҳажми 2 босма тобик. Формати А3. Офсет
усулида босилган. Рўнома ИВМ компьютерда
термиди ва саҳифаланди.

Реклама ва эълонлардаги маълумотларнинг мазмуни ва ҳаққонийлиги учун реклама берувчилар
жавоб берадилар.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.